

*Ванк Молия Академияси магистранти*

*Нурсаидова Зилола.*

**Тезис:** Пенсия тизими ҳар бир давлатнинг ижтимоий химоя тармоғида муҳим ўрин тутади ва унинг молиявий барқарорлиги, ҳавфсизлиги ҳамда самарадорлиги миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун ўта аҳамиятлидир. Ўзбекистонда пенсия тизими давлат томонидан бошқариладиган тақсимот тизимига асосланган бўлиб, бу тизимнинг молиялаштириш жараёнлари мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги, давлат бюджетига бўлган босимни камайтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш каби масалаларда муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда пенсия тизимини молиялаштириш асосан давлат бюджети ва ишлайдиган фуқаролардан тушадиган тўловлар ҳисобига амалга оширилади. Бу тизимда ишловчи аҳоли томонидан тўланган пенсия солиғи пенсия ёшига етган фуқароларга тўловлар сифатида тақсимланади. Бундай модельнинг асосий муаммоларидан бири ишлаш ёшидаги аҳоли сонининг қисқариши ва пенсия ёшидаги аҳолининг ортиши билан боғлик бўлган молиявий босимдир. Демографик ўзгаришлар натижасида ишчи кучининг камайиши ва пенсия ёшидаги аҳолининг ўсиши пенсия тизимини молиялаштириш жараёнини қийинлаштиради.

2023-йил 11-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисидаги 158-сон Фармони асосида қабул қилинган мазкур стратегияда 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган бўлиб, мазкур ҳужжат ортирилган тажриба, халқаро экспертиза ва жамоатчилик мухокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилди.

Хусусан, “пенсия тизимини барқарор ривожлантириш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш ва илғор молиявий механизмларга асосланган пенсия тизимини ривожлантириш, пенсия тизимининг асосий соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, пенсия тизимининг қўшилган қиймат ҳажмини ошириш ва аҳоли учун барқарор даромад манбанин таъминловчи иш ўринларини яратиш каби вазифалар белгиланган” (пенсия тизимини молиялаштиришни такомилаштириш).

Ўзбекистонда пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш зарурати бир қатор иқтисодий, демографик ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Бу жараённинг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, пенсия тизимининг барқарорлиги давлат бюджетига тушадиган юкни камайтиради ва узоқ муддатли ривожланиш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни сарф қилиш имконини оширади. Агар пенсия тизими тўғри молиялаштирилмаса, бу бюджет камомадини оширади ва давлат иқтисодиётiga салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, пенсия тизимини молиялаштиришни яхшилаш иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида турли молиявий ва иқтисодий воситалардан самарали фойдаланиш имконини яратади. Масалан, хусусий пенсия фондлари ва давлат-хусусий шериклик асосидаги пенсия тизимлари орқали пенсия активларини инвестиция қилиш ва иқтисодиётга қўшимча ресурслар жалб қилиш мумкин.

Пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш миллий иқтисодиётга қатор ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Биринчидан, пенсия жамғармалари давлат бюджетига ортиқча юк туширмасдан, ишловчи аҳоли ва хусусий сектор орқали молиялаштирилади, бу эса давлатнинг бошқа иқтисодий дастурларига кўпроқ маблағ йўналтириш имконини беради. Иккинчидан, пенсия жамғармаларида йигилган активларни самарали бошқариш орқали иқтисодиётнинг турли секторларига сармоя киритилиши ва жамғарма маблағларининг даромаддорлиги оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, пенсия тизимининг барқарорлиги ишловчи аҳолининг келажак пенсия таъминотига бўлган ишончини оширади, бу эса ишчи кучининг иқтисодий самарадорлигини кучайтириб, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Агар пенсия тизимиға бўлган ишонч юқори бўлса, фуқаролар ўз келажагини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча тўловлар қилишга тайёр бўладилар, бу эса тизимнинг даромадларини оширади ва унинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлайди.